

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ТУЛЯГАНОВ БАБИР САБИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ЕР БАҒИРЛОВЧИ ТЕМИРТИКАН
(TRIBULUS TERRESTRIS L.) ЎСИМЛИГИНИ ФАРМАКО -
ТОКСИКОЛОГИК БАҲОЛАШ

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1210 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туляганов Рустам Турсунович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пулатова Наргиза Ихсановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Аминов Салоҳиддин Джураевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
академик С.Ю. Юнусов номидаги
Ўсимлик моддалар кимёси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда касалликларнинг 90% стрессли таъсирлар туфайли юзага келади. Жумладан, улар юрак қон-томир, асаб, рухий, онкологик, овқат-ҳазм қилиш аъзолари ва касалликлар. Инсоннинг замонавий турмуш тарзи, асаб-рухий зўриқишларни ўсиши билан боғлиқ бўлиб, цивилизация касалликларни ривожланиш ҳавфини туғдиради. Бундай шароитда инсон организмидаги жараёнларни барқарорлаштириш ва адаптоген дориларни яратиш йўлларини излашга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (2011) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг деярли 80% асосан ўсимлик таркибли дори воситаларидан фойдаланиб келмоқда ва бу ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бинобарин, адаптоген дори воситалари сонини кенгайтириш мақсадида маҳаллий истиқболли доривор ўсимликларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликлар ҳомашёси асосида юқори самарали адаптоген дори воситаларини яратиш, уларни фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун, ўрганилаётган доривор ўсимликдан олинган препаратни организм учун безарарлигини ва фармакологик фаоллигини ўрганишда янги илмий асосланган натижалар талаб қилинади. Адаптоген препаратларни комплекс тартибда, иммуномодуляторлар, актопротекторлар, антигипоксантилар, антиоксидантлар, радиопротекторлар ва радиосенсибилизаторлар билан бирга қўлланилиши ҳам тиббиёт амалиётида муҳим ўрин тутаяди. Айни пайтда амалиётда қатор адаптоген препаратлар: женьшен (*Ginseng*), элеутерококк (*Eleutherococcus*) трибестан (*Tribestan*[®]), пушти родиола (*Rhodiola rosea*), аралия (*Aralia mandshurica*), вивабон (*Vivabon*), меноришан (*Menorishan*), мелаксен (*Melaxen*) ва бошқалардан фойдаланишига қарамадан, улар сонини кенгайтириш мақсадида маҳаллий истиқболли доривор ўсимликларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар тиббиётда алоҳида ўрин тутаяди.

Республикамиз ўсимлик флорасининг доривор ўсимликларга бойлиги туфайли, ҳозирги кунда уларни фармакологик томондан ўрганиш, ҳамда тиббиёт амалиётига тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббий воситаларнинг улушини 80% етказиш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, замонавий сифат меъёрлари талабларига жавоб берадиган ҳамда шифобахш ўсимликлар асосида ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва биологик фаол қўшимча (БФҚ) ларнинг улушини кенгайтириш, уларни ҳалқаро меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек, маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқаришига жорий этиш ҳозиги кун учун муҳимдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сонли “2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон, “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сонли, “2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор ва фармонлари мазкур фаолиятига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Махаллий ўсимлик хомашёсидан ажратиб олинган стероид таркибли бирикмалар алоҳида қизиқиш уйғотади. Республикамиз олимлари Комилов Х.М, Салимов Б.Т., Умарова Г.Қ (2016) томонидан ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.)нинг кимёвий ва фармакогностик хоссалари ўрганилган.

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги қуруқ экстрактини фармакологик жихатлари тўғрисида Болгария, Шотландия, Хиндистон, Хитой, Миср, Сурия, Покистонда ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Хорижий тадқиқотчилар ер бағирловчи темиртикан таркибидаги биологик фаол моддалар даражаси ўсаётган шароитларига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилишини кўрсатишган. Хусусан, минтақа, иқлим, тупроқ тури каби омиллар.

Олимлар томонидан юқори самарадорликка эга бўлган бир қатор сапонинлар ва флаваноидлар ажратиб олинган. Jyoti Kaushik (2017) ер бағирловчи темиртиканнинг сувли экстрактини диуретик ва антиуролитик таъсирга эга эканлигини исботлаган. Phillips O.A., Mathew K.T., Oriowo M.A. (2006) қон босимини туширувчи ва қон-томирларни кенгайтирувчи хусусиятларини аниқлашган. Oh J.S., Baik S.H., Ahn E.K., Jeong V., Xong S.S. (2012) томонидан экспериментал моделларда *Tribulus terrestris* L.нинг яллиғланишга қарши фаоллиги ўрганилган. Singh S., Nair V., Gupta Y.K.лар (2012) афродизяк фаоллиги баҳоланган: яъни жинсий майлни ошиши, сперматогенезни фаоллашиши ва бошқалар. R. Meera va K. Sivaranjan (2017) ер бағирловчи темиртикан сапонинлари қон зардобидида ва жигарда умумий холестерин миқдорини сезиларли даражада камайтиришини кўрсатишган. Mingjuan Li (2002) томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аллоксан билан чақирилган диабетда триглицеридларни нисбатан камайтириши ва қон зардобидидаги глюкоза миқдори сезиларли даражада пасайишини аниқлаган.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш маълумотларида ер бағирловчи темиртиканни андроген етишмовчилигига таъсири Горпинченко И.И., (2020), атеросклерозга қарши фаоллиги Кемертлидзе Э.П., (1981) томонидан

ўрганилган. Аммо, аниқланган фурастанол типдаги стероид сапонинлар ва флаваноидлар бўйича олиб борилган илмий изланишлар шу вақтгача уларнинг адаптоген таъсирини мавжудлиги аниқ тасаввурга эга бўлмаганлиги, унинг экспериментал моделларда акс этиши, диссертациянинг долбзарлигини ва илмий-амалий ахамиятини белгилаб берди.

Диссертация мавзусининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Тошкент фармацевтика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2023йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини ер устки қисмидан олинган қуруқ экстрактнинг адаптогенлик фаоллигини ва фармако-токсикологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини қуруқ экстрактини оғиз орқали юборилгандаги ўткир заҳарлилигини аниқлаш ва лаборатория ҳайвонларида терапевтик дозани танлаш;

лаборатория оқ сичқонларини силлиқ вертикал найчада ўзини тутиб туриш синамасида жисмоний куч хусусиятларини ва юк билан мажбурий сузиш синамасида лаборатория ҳайвонларининг жисмоний чидамлилигини аниқлаш;

лаборатория ҳайвонларида *Tribulus terrestris* ўсимлигини қуруқ экстрактининг адаптоген фаоллигини айланаётган стерженда ўзини тутиб туриш (“Rota-rod”) синамасида ўрганиш;

ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини қуруқ экстрактини гипоксияга қарши фаоллигини лаборатория ҳайвонларида гиперкапник ва гемик гипоксия синамаларида аниқлаш;

ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини иммобилизацион стресс ҳолатида оқ каламушларнинг қон зардобидидаги малондиальдегид (МДА) ва каталаза кўрсаткичларини аниқлаш;

ер бағирловчи темиртикан қуруқ экстрактини ички аъзолар фаолиятига таъсирини ва безарарлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини ер устки қисмидан олинган қуруқ экстракти, тажриба учун лаборатория ҳайвонлари: 18-22 г оқ сичқонлар, 180-220 г оқ каламушлар, 300-400 г денгиз чўчкалари ва 1,8-2,2кг қуёнлар, шунингдек уларнинг биоматериаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатория ҳайвонларини вертикал силлиқ найчада ўзини тутиб туриш синама натижалари, “Ugo Basile”(Италия) компаниясининг “Rota-rod” NG қурилмасида жисмоний чидамlilik ва қуруқ экстрактнинг ҳаёт давомийлигига таъсири: гиперкапния ва натрий нитрит

ёрдамида чақирилган гипоксия, юк билан мажбурий сузиш синамалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда фармакологик, физиологик, токсикологик, биокимёвий, гематологик, гистоморфологик ва статистик текширув усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги курук экстракти тажрибада экспериментал қўлланганда адаптоген хусусиятга эга эканлиги исботланган;

ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги курук экстрактини оғиз орқали тажрибадаги ҳайвонларга юборилганда жисмоний юклама таъсирида чарчокнинг ривожланиш даврини қисқариши аниқланган;

экспериментал ҳайвонлар моделларида, уларни нормобарик ва гемик гипоксия таъсирларига чидамлилигини ошириши исботланган;

иммобилизация стресс моделида адаптоген фаоллик таъсирини қиёсий баҳолаш натижасида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги курук экстрактининг терапевтик таъсир доирасининг устуворлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини кам захарлилиги ва клиник олди тажрибалари учун лаборатория ҳайвонларида терапевтик дозалари аниқланган;

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини тажрибаларда жисмоний қобилиятни оширишда юқори самарадорликка эга эканлиги тасдиқланган;

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини адаптогенлик самарадорлигини тасдиқловчи синамаларда, унинг фармакологик фаоллиги исботланган;

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини сурункали тажрибаларда салбий таъсирнинг йўқлиги, шунингдек гистологик таҳлиллар давомида тажрибадаги лаборатория ҳайвонларининг ички органларида, патоморфологик ўзгаришларнинг аниқланмаганлиги асосида, ушбу ўсимлик ҳомашёсидан адаптоген таъсирга эга дори воситасини яратишга тавсия этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқот маълумотлари лаборатория ҳайвонларининг етарли миқдордалиги, фармакологик, биокимёвий (HumaLyzer Primus Human GmbH, Германия.), иммунологик, морфологик, гематологик, токсикологик усуллари қўлланилганлиги, ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини адаптоген фаоллигини фармакологик самарадорлигини баҳолаш учун олинган материалларни қайта ишлашнинг статистик усуллари, олинган натижалар статистик таҳлил хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек олинган ҳулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адаптоген препаратларни клиник олди

тажрибаларда ўрганишдаги турли синамаларда биринчи марта маҳаллий ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини куруқ экстрактини адаптоген ва антигипоксик фаоллиги ҳамда организмни тонусини оширувчи элеутерококк (Дальхимфарм, Россия) ва трибестан (*Sopharma*, Болгария) препаратлари каби фармакологик самарадорлигини яққол намоён қилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти тажрибалар натижасида, ушбу препарат фармакологик фаоллиги бўйича хориждан импорт қилинадиган адаптоген ва организм тонусини оширувчи таъсирга эга препаратлар ўрнини босишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент фармацевтика институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 15 сентябрдаги 01/001-сон хулосасига кўра:

Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини куруқ экстрактни адаптоген хусусиятлари мавжудлиги ва самарадорлик даражаси баҳоланиб, жисмоний ва ақлий зўриқишлар асосли касалликларни маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқилган препарат билан самарали даволаш имкониятини яратган.

2021 йилда Республикага импорт бўлган адаптоген фармако-терапевтик гуруҳга кирувчи элеутерококк дори воситасининг ҳажми 14.535.000 АҚШ долларини ташкил этиши инobatга олинса (*маълумот “drug audit” маълумотлар базасидан олинган*) ушбу препарат юқори иқтисодий самарага эга эканлиги маълум бўлади.

2021 йилда Республикага импорт бўлган биргина трибестан дори воситасини ҳажми 28434000 АҚШ долларини ташкил этиши инobatга олинса, ушбу препарат юқори иқтисодий самарага эга эканлиги маълум бўлади (*маълумот “drug audit” маълумотлар базасидан олинган*).

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини фармако-токсикологик баҳолаш» мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент фармацевтика институтининг 2022 йил 16 февралдаги 03/211-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 5 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятига асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ҳамда предметлари келтирилган. Тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг ту зилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адаптоген таъсирга эга бўлган дори воситалари ҳақида маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. Ўрганилаётган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстракти фитокимёвий ва фармакологик хусусиятлари, шунингдек бошқа адаптоген ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга адаптация жараёнларини шаклланишида стресснинг роли ҳамда ушбу ҳолатни даволашда адаптоген дори воситалари, айниқса фитоадаптогенларга оид илмий адабиётлар таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган тадқиқот объектлари ва вазифалар ечимини таъминловчи методологик ёндашувлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг скрининг ва специфик тажрибаларини ўтказишдан аввал, ўрганилаётган препаратни ўткир захарлилиги ўрганилди. Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстрактини ўткир захарлилигини аниқлаш учун, куруқ экстрактни эрувчанлиги максимал концентрацияда бўлган эритма тайёрланиб олинди ва лаборатория ҳайвонлари – оқ сичқонлар ва оқ каламушларга оғиз орқали юборилди. Тажрибаларда ўрганилаётган препаратни ўткир захарлилиги аниқлангандан сўнг, фармако-токсикологик тадқиқотларни ўтказиш учун, аниқланган LD50 нинг 1/6 ёки 1/10 миқдор бирлиги, экспериментал терапевтик доза деб белгиланди (А.В.Стефанов, “Доклинические исследования лекарственных средств”, 2002).

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстрактини адаптогенлик фаоллигини тасдиқлаш ва фармако-токсикологик таҳлилларни ўтказиш учун тажрибалар оқ сичқонлар, оқ каламушлар, денгиз чўчқалари ва қуёнларда олиб борилди. Ўрганилаётган препарат тажрибадаги лаборатория ҳайвонларига оғиз орқали 100мг/кг; 150мг/кг ва 200 мг/кг дозада бир маротаба ва 7 кун давомида юборилди. Референс препарат тартибида элеутерококк (Дальхимфарм Россия) 200мг/кг ва трибестан (Sopharma АЖ Болгария) 200 мг/кг дозаларда оғиз орқали тест бошланишдан 30 минут олдин юборилди. Тажрибаларда ўрганилаётган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстрактини адаптогенлик фаоллигини тасдиқлаш учун бир қатор тестлардан: силлиқ вертикал стерженда ўзини тутиб туриш, юклама ёрдамида мажбурий сузиш тести, айланма ҳаракатдаги горизонтал стерженда ўзини тутиб туриш, нормобарик гипоксия ва гемик

гипоксияда препаратни гипоксияга қарши фаоллигини ўрганиш, иммобилизацион стресс тестларидан фойдаланилди.

Лаборатория ҳайвонларини силлиқ вертикал стерженда ўзини тутиб туриш тажрибасида, узунлиги 1 метр бўлган стерженда уларни ўзини тутиб туриш вақти секундларда аниқланди. Бунинг учун интакт, назорат ва тажриба гуруҳлари вақт бирлигида тажрибада синалди.

Мажбурий сузиш усули депрессив хатти-харакатни баҳолашга асосланган бўлиб, организмни иш қобилиятини оширувчи препаратини фармакологик фаоллиги баҳоланди. Юк билан мажбурий сузиш усулида лаборатория ҳайвонларининг думининг асос қисмига, унинг тана массасига мос равишда 10% ли юк боғланди. Сузиш учун мўлжалланган бассейн сувини ҳарорати 22-23° С бўлишига эътибор берилди. Тажрибада сузиш давомийлиги вақт давомида секунд ва минутларда олиб борилди.

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини адаптогенлик фаоллигини тасдиқлаш учун лаборатория ҳайвонларининг ҳаракат фаолиятини аниқлашда, уларни айланма ҳаракатдаги горизантал стерженда ўзини тутиб туриши Rota-rod (Рота-род NG оқ сичқонлар учун Ugo Bazile Италия) ускунасида 10 об/мин. ва 20 об/мин. айланиш тезлигида аниқланди. (А.А.Свистунов, “Доклинические исследование лекарственных веществ”, Москва, 2017г). Тажриба учун массаси 18 - 20 г бўлган икки хил жинсдаги оқ лаборатория сичқонлар; ҳар бир гуруҳда 6 тадан жойлаштириб, 5та гуруҳга бўлинди: Яъни 1- интакт гуруҳ; 2 - назорат гуруҳи: ўрганилаётган қуруқ экстрактни эритувчиси тартибида дистилланган сув олинди тажриба гуруҳи – ўрганилаётган қуруқ экстракт ва референс гуруҳга юбориладиган дозанинг ҳажм олинган эквивалент миқдори; 3-тажриба гуруҳи: ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини эритмаси, тажрибадаги оқ сичқонларнинг иш фаолиятини самарадорлигини ўрганиш бошланишидан 30 дақиқа олдин 100 мг/кг дозада оғиз орқали юборилди; 4- тажриба гуруҳи: ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини эритмасини самарадорлигини ўрганиш бошланишидан 30 дақиқа олдин 150 мг/кг дозада оғиз орқали юборилади; 5- тажриба гуруҳи: референс препарат элеутерококк суюқ экстрактини (алкоголсизлантирилиб) тажрибани ўрганиш бошланишидан 30 дақиқа олдин 200мг/кг дозада оғиз орқали юборилган. Ўрганилаётган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги қуруқ экстрактини бир маротабали ва кўп маротабали юбориш йўллари орқали ўрганилди.

Кейинги босқич тажрибаларида ўрганилаётган қуруқ экстрактни пешоб ҳайдаш таъсири турли жинсга мансуб бўлган, массаси 130-150г бўлган оқ каламушларда В.В. Гацураининг услубий қўлланмасида кўрсатилган усулда ўрганилди. Тажрибадаги лаборатория ҳайвонлари 4та гуруҳга 6 тадан қилиб ажратилиб, 10 соат давомида, овқат ва сув берилмади. Дастлаб ҳамма тажрибага олинган гуруҳ оқ каламушларга оғиз орқали сув юкламаси 4 мл/100 г масса миқдорида берилди. Сўнгра 1-гуруҳ ҳайвонларга ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини 100 мг/кг., 2- гуруҳдагиларга эса 150 мг/кг дозада юборилди. Референс гуруҳдаги

лаборатория ҳайвонларига Трибестан (Sopharma, Болгария) препаратидан 200 мг/кг дозада юборилди. Назорат гуруҳидаги оқ каламушларга, ўрганилаётган препарат юборилган дозанинг эквиважим миқдори юборилди. Тажрибага олинган лаборатория ҳайвонлари 18 соатга, маҳсус пешоб йиғиш учун мўлжалланган камерада қолдирилди. Ўн саккиз соат давомида ажралган пешоб миқдори мл бирлигида ҳисобланди.

Организмга таъсир этувчи стресс факторлар, организмда бир қатор биокимёвий факторларни ўзгартириб юборади. Бу кўрсаткичлардан, қон плазмасидаги малондиальдегди (МДА) ва каталаза ўзига ҳос ўрин тутди. Организм стресс ҳолатига тушганда, қон плазмасида референс ҳолатга қараганда МДА ошиши ва ўз навбатида каталаза ферментени камайиши кузатилади. Шунинг эътиборига олиб биз, иммобилизацион стресс ҳолатида, адаптоген тартибда ўрганилаётган Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини таъсирида қон плазмасидаги МДА ва каталаза миқдорини ўргандик.

Тажриба турли жинсга мансуб, массаси 130-150 г бўлган оқ каламушларда ўрганилинди. Иммобилизацион стресс модели тажрибадаги оқ каламушларни маҳсус станокка қорнини юқорига қилган ҳолда боғлаб, сўнг станок вертикал ҳолда 18 соатга қолдирилади (Юматов Е.А., Скоцеляс Ю.Г.).

Тажрибага олинган оқ каламушлар 5 гуруҳга 6 тадан қилиб ажратилди.

1 - интакт гуруҳ;

2 - назорат гуруҳ;

3 - ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстракти 100 мг/кг дозада юборилган гуруҳ;

4 - ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстракти 150 мг/кг дозада юборилган гуруҳ;

5 - Элеутерококк (Дальхимфарм Россия) 200мг/кг юборилган гуруҳ.

Ўрганилаётган ва референс препаратлар тажрибадаги оқ каламушларга профилактик тартибда, ҳар куни эрталаб кунига бир маротаба оғиз орқали, 7 кун давомида юборилди, сўнгра эса, улар иммобилизацион стрессга қўйилди. Элеутерококкни суюқ экстракти дастлаб, деалкоголизация қилиниб, сўнгра тажрибадаги оқ каламушларга берилди. Назорат гуруҳидаги лаборатория ҳайвонларига, препарат олган лаборатория ҳайвонлари олган дозада юборилган суюқ экстрактнинг эквиважими миқдорида дистилланган сув ичирилди. Тажрибаларда қон плазмасидаги МДА концентрацияси (Темирбулатов Р.А., Селезнев Е.И.) ва каталаза миқдори (Королюк М.А., Иванова Л.И.) илмий адабиётларда муаллифлар кўрсатган усуллар билан аниқланди.

Ўрганилаётган препаратни антигипоксанти фаоллигини ўрганиш гиперкапния ва гемик гипоксия моделларидан фойдаланилди. Гиперкапник гипоксия герметик ёпилган гермокамерага лаборатория ҳайвонларида олиб борилди. Бунинг учун лаборатория ҳайвонлари герметик ёпиладиган ва ҳажми 200 см³ бўлган банкаларга солинди; Гемик гипоксия тажрибадаги экспериментал лаборатория ҳайвонларининг териси остига 200 мг/кг дозада натрий нитритни бир марта юбориш натижасида амалга оширилди.

Гипоксиянинг ҳар бир моделларида ўрганиладиган моддаларнинг антигипоксик таъсирини баҳолаш мезони сифатида тажриба синов лаборатория ҳайвонларининг яшаш давомийлиги олинди (Р.У.Хабриев, "Руководство по экспериментальному доклиническому изучению новых фармакологических веществ" Москва, 2005) ва (Биомедицинское (доклиническое) изучение антигипоксической активности лекарственных средств, Москва, 2017 г. под редакцией д.м.н., проф. Н.Н. Каркищенко).

Ҳар қандай янги препаратни клиник олди ўрганиш жараёнида, унинг аллергияга қарши ва анафилоктогенлик хусусиятини аниқлаш, ўзига хос тартибда муҳим ўрин тутди. Шунинг эътиборига олиб, ўрганилаётган препаратнинг антиаллергик ва анафилоктогенлик хусусиятини баҳолаш учун эркак жинсига мансуб, массаси 220-250 г бўлган денгиз чўчкалари тажрибага олинди. Аллергик реакция тажрибаси Адо А.Д. усули бўйича олиб борилди. Анафилоктогенлик тажрибаси Зильбер Л.А. усулида ўтказилди. Кейинги серия тажрибаларида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилди. Фармако-токсикологик таҳлиллар ўз тажриба мезонига қуйдаги тестларни олади: маҳаллий қитқловчи, иммунотроп, кумулятив, юрак-қон томир системаси, пешоб ажратиш тизими ва сурункали захарлилик. Ушбу тестлар ҳар томонлама ўрганилди. Тажрибалар ЎзР ССВ "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК нинг Фармакологик кўмитаси томонидан тайёрланган (Инструкция по доклиническому испытанию безопасности фармакологических средств, Тошкент, 2000 й) услубий қўлланмаси асосида ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган статистик маълумотлар Фишер Стьюдент t- критериясидан фойдаланган ҳолда вариацион статистик усулда Windows Excel-2010 дастурий пакетидан фойдаланилди. Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда биологик хавфсизлик қоидалари ва этик тамойилларига қатъий риоя қилинган. Ўз.Рес.ССВнинг 2016 йил 25 майдаги (№8н-п89) сонли маълумотномаси шунингдек Ўз.Рес.ССВнинг 2016 йил 6 июнида илмий-тиббий ахборотлар бўлими томонидан №0438 рақам билан руйхатга олинган, Нуралиев Н. А. Биктимиров А. М, Алимов М. Т., К. Ж. Сувановларнинг ҳаммуалифлигида чоп этилган «Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойиллари» Тошкент, 2016 й. услубий қўлланмасига риоя этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар натижалари ва уларнинг таҳлили» деб номланган учинчи бобида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстрактини адаптоген фаоллигини ўрганиш натижалари келтирилган. Дастлаб, қуруқ экстрактнинг резорбтив таъсири ва ўткир захарлилиги турли жинсдаги оқ каламуш ва оқ сичқонларга оғиз орқали 1000 мг/кг дан 10000мг/кг гача дозаларда юборилиб 14 кун давомида кузатилди. Тажрибадаги лаборатория ҳайвонлари орасида ўлим ҳолати кузатилмади. Березовская И.В. классификацияси бўйича ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстракти кам захарли моддалар IV-синфига

киради. Ушбу натижадан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган биологик актив модданинг терапевтик дозасини 100мг/кг - 200 мг/кг деб белгилаш мумкин.

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстракти адаптоген фаоллиги дастлаб оқ сичқонларнинг силлиқ вертикал стержда ўзини тутиб туриш тестида ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстрактини оқ сичқонларни силлиқ вертикал стержда ўзини тутиб туришига таъсири ($M \pm m$) (n=6)

Гуруҳлар	Стержда ўзини тутиб туриш вақти, сек
Интакт	21,4 ± 2,8
Назорат	23,2 ± 3,2
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 100 мг/кг	36,9 ± 3,5*
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 150 мг/кг	38,8 ± 2,7*
Трибестан (Sopharma, Болгария) 200 мг/кг	40,1 ± 3,0*

Изоҳ: *- назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0,05$)

Олиб борилган тажриба шуни кўрсатдики, интакт гуруҳдаги оқ сичқонларнинг силлиқ вертикал стержда ўзини тутиб туриш вақти интакт оқ сичқонларда 21,4 сек. ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 23,2 сек. ташкил этди. Ўрганилаётган препаратни 100 мг/кг ёки 150 мг/кг дозаларда юбориш натижасига кўра, тажрибадаги лаборатория ҳайвонларини силлиқ стержда ўзини тутиб туриш вақти, юборилган дозаларга мос равишда 19% ва 22%га ошганлиги тасдиқланди. Солиштирма тартибда олинган Трибестан (Sopharma, Болгария) препаратини 200 мг/кг миқдорида юбориш натижасида тажрибадаги лаборатория ҳайвонларининг силлиқ стержда ўзини тутиб туриш вақти назорат гуруҳига нисбатан 24%га ошганлиги кузатилди. Ушбу шароитда ўрганилаётган ва референс препаратларнинг самарадорлиги бир бирига ўхшаш бўлганлигини кузатиш мумкин

Демак, ўрганилаётган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстракти препарати ўрганилган дозаларга мос равишда, назорат гуруҳига нисбатан оқ сичқонларни силлиқ стержда ўзини тутиб туриш вақтини 59% ва 68%га оширганлиги аниқланди. Ушбу шароитда Трибестан (Sopharma, Болгария) препаратини таъсир этиш вақти 72%ни ташкил қилди. Олинган натижаларга кўра ўрганилаётган препарат, ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида адаптоген тартибда қўлланиб келинаётган Трибестан (Sopharma, Болгария) препаратидан қолишмаслиги тасдиқланди.

Юк билан мажбурий сузиш тестларидан олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, натижалар 2-жадвалда берилган.

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) қурук экстрактининг бир марталик юборилгандаги сузиш давомийлигига таъсири ($M \pm m, n = 6$)

	Ўрганилаётган модда, дозаси	Сузиш давомийлиги дақиқа(бир мартаба- бали юборилганда)	Умумий жисмоний чидамлилиқ самараси, %
1	Назорат	24,17 ± 3,10	-
2	Интакт	19,43±2,58	-
3	Ер бағирловчи темиртикан 100 мг/кг	27,28 ± 2,37*	13 (40)
4	Ер бағирловчи темиртикан 150 мг/кг	31,19 ± 3,20*	29 (60)
5	Ер бағирловчи темиртикан 200 мг/кг	33,27 ± 3,33*	37 (72)
6	Элеутерококк 200мг/кг	35,11 ± 2,49*	45 (81)

Изоҳ: * - назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0.05$).

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қурук экстракти экспериментал лаборатория ҳайвонларнинг мажбурий сузиши вақти интакт оқ сичқонларда 24,17 минутни ташкил этган бўлса, лаборатория ҳайвонларига юклама қўйиб суздириниш натижасида назорат гуруҳида тажрибадаги ҳайвонларини сузиш вақти камайиб, 19,43 минутни ташкил этди.

Ўрганилаётган препаратни бир мартаба, гуруҳларга мос равишда 100 мг/кг, 150 мг/кг ва 200 мг/кг дозаларда юбориниш натижасида, дозаларга мос равишда назорат гуруҳига нисбатан, оқ сичқонларнинг бассейнда сузиш вақти ошиб, умумий жисмоний чидамлилиқ самараси, юборилган дозаларга қараб, 40% ; 60% ва 72% ошганлигини кузатиш мумкин. Солиштирма тартибда олинган элеутерококк препаратида, иш қобилиятининг ўсиши назорат гуруҳига нисбатан 81% ошганлиги кузатилди. Гарчан адаптоген тартибда ишлатилиб келинаётган элеутерококк препарати ўрганилган дозада, ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлиги қурук экстрактига нисбатан умумий жисмоний чидамлилиқ самараси 9%га кўпроқ бўлсада, статистик тартибда ишончлилиқ кўрсаткичи даражасида фарқ қилмайди

Юқоридаги дозаларни профилактик равишда 7 кун давомида такрорий қўллаш билан ўтказиладиган тажрибалар сериясида, ер бағирловчи темиртиканнинг (*Tribulus terrestris* L.) қурук экстрактини ҳар куни юбориниш натижасида, 100 мг/кг, 150 мг/кг ва 200 мг/кг дозаларга қараб сузиш вақтининг давомийлигини ошириш, назорат гуруҳга нисбатан юборилган дозаларга нисбатан 27% ; 36% ва 55% га ошган бўлса, лаборатория ҳайвонларининг массасига нисбатан 10% юклама берилганда, ўрганилаётган препарат юборилган дозалар кесимида назорат гуруҳ лаборатория ҳайвонларига

нисбатан бассейнда сузиш давомийлигини 48% ; 59% ва 80% гача ошганлигини кўриш мумкин.

3-жадвал

Оқ сичқонларнинг сузиш давомийлигига Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) қуруқ экстрактининг ҳар хил дозаларининг кўп марталик юборилгандаги таъсири ($M \pm m, n = 6$)

	Ўрганилаётган модда, дозаси	Сузиш давомийлиги дақиқа(кўп маротаба-ли юборилганда)	Умумий жисмоний чидамлилиқ самараси, %
1	Назорат	26,12 ± 3,07	-
2	Интакт	22,38±2,59	-
3	Ер бағирловчи темиртикан 100 мг/кг	33,31 ± 2,47*	27 (48)
4	Ер бағирловчи темиртикан 150 мг/кг	35,58 ± 2,54*	36 (59)
5	Ер бағирловчи темиртикан 200 мг/кг	40,43 ± 3,21*	55 (80)
6	Элеутерококк 200мг/кг	42,33 ± 2,42*	62 (88)

Изоҳ: * - назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0.05$).

Лаборатория оқ сичқонларини айланма стерженда ўзини тутиб туришига таъсирини ўрганиш натижасига кўра назорат гуруҳи оқ сичқонларни стерженни айланиш тезлиги 10 айлан./дақ. ва 20 айлан./дақ. бўлганда стерженда ўзини тутиб туриш вақти, олинган тезликка мос равишда 119,5 сек. ва 87,6 сек. ташкил этди. Тажриба гуруҳларига ер бағирловчи темиртикан ўсимлигининг қуруқ экстрактини 100 мг/кг ёки 150 мг/кг дозада юборилгандан сўнг, орадан 30 дақ. ўтгандан кейин тажрибадаги лаборатория ҳайвонлари “Rota-rod” қурилмасига қўйилди.

Тажриба натижаларини кўрсатишича, ўрганилаётган препарат олинган дозаларга мос равишда стерженда ўзини тутиб туриш вақтини назорат гуруҳига нисбатан қурилмани айланиш тезлигига қараб, 1,2-1,3 бараваргача ошганлигини кузатиш мумкин. Ушбу шароитда солиштирма тартибда олинган элеутерококк препаратини 200 мг/кг дозада юбориш натижасига кўра, жисмоний ҳаракатланиш вақти ўрганилаётган препарат каби эканлигини кўриш мумкин.

Тажриба натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Кейинги серия тажрибаларида ер бағирловчи темиртикан ўсимлигининг қуруқ экстракти 100 мг/кг ёки 150 мг/кг дозаларда 7 кун давомида кунига бир маротаба юборилганда дозаларга мос равишда стерженни айланиш тезлиги 10 айлан./мин. бўлганда айланма стерженьда ўзини тутиб туриши вақти 136,6 сек ва 149,3сек ташкил этади.

4-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини оқ сичқонларга бир марталик юборилганда айланаётган стерженда ўзини тутиб туриш вақтига таъсири ($M \pm m, n=6$)

Тажриба гуруҳлари	Тутиб туриш вақти, сек	
	10 айлана тезлиги/дақиқа	20 айлана тезлиги/дақиқа
Назорат	119,5±1,54	87,6±0,84
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 100 мг/кг	124,8±1,7*	96,3±1,2*
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 150 мг/кг	139,1±1,1*	111,5±1,4*
Элеутерококк 200мг/кг	143,1±1,01*	120,6±1,28*

Изоҳ: *- назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0,05$)

Яъни тажрибадаги лаборатория ҳайвонларини жисмоний фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан дозаларга мос равишда 1,1-1,2 марта ошганлигини кузатиш мумкин. Солиштирма тартибда олинган элеутерококк препаратида ҳам ҳаракат фаоллиги шу тартибда ошганлигини кузатиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини курук экстрактини оқ сичқонларга кўп марталик(7 кун) юборилганда айланаётган стерженда ўзини тутиб туриш вақтига таъсири ($M \pm m, n=6$)

Тажриба гуруҳлари	Тутиб туриш вақти, сек	
	10 айлана тезлиги/дақиқа	20 айлана тезлиги/дақиқа
Назорат	120,3±1,11	92,6±0,76
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 100 мг/кг	136,6±1,17*	98,3±0,71*
Ер бағирловчи темиртиканни курук экстракти 150 мг/кг	149,3±1,20*	117,8±0,83*
Элеутерококк 200мг/кг	153,5±0,67*	125,1±1,04*

Изоҳ: *- назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0,05$)

Демак, ер бағирловчи темиртикан ўсимлигининг курук экстракти ўрганилган дозаларда тажрибадаги лаборатория ҳайвонларининг жисмоний фаоллигини ошириб, ўзининг таъсир этиш доираси бўйича тиббиёт амалиётида кенг тартибда ишлатиб келинаётган элеутерококк препаратидан қолишмаслиги тасдиқланди. Препаратни кўп мартаба юбориш унинг актопротекторлик фаоллигини кучайтириши кузатилди.

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстрактини оқ каламушларда диурезга таъсирини ўрганиш натижасига кўра, препаратлар юборилгунгача ажралган сийдикнинг 18 соатлик миқдори 4,14 мл ташкил этди (6-жадвал).

6-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстрактини пешоб ажралишига таъсири ($M \pm m$, $n=6$)

Гурухлар	Доза мг/кг	Препарат юборишдан олдин пешоб хажми,мл	Препарат юборилгандан кейин пешоб хажми,мл	Пешоб ҳайдаш самараси%
Назорат	2мл/масса	4,19±0,19	5,24±0,58	
Ер бағирловчи темиртикан курук экстракти	100		5,97±0,53*	44
Ер бағирловчи темиртикан курук экстракти	150		6,41±0,44*	55
Трибестан	200		6,63±0,58*	60

Изоҳ: *- назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0,05$)

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстрактини 100 мг/кг дозада юборилганда, ажралган сийдикнинг умумий миқдори 5,97 мл эканлигини кўриш мумкин, бу диурез миқдорини назорат гуруҳига нисбатан 44% гача ошганлигини кўрсатади. Ўрганилаётган препарат дозасини 150 мг/кг оширилганда, юборилган дозага мос равишда вақт давомида сийдик ажралиш эффекти 55% гача ошганлигини аниқланилди. Ушбу шароитда референс препарат Трибестанни юборилиш натижасига кўра, пешоб ажралиш самараси 60% ташкил қилди.

Шундай қилиб, ўрганилаётган курук экстрактни 150 мг/кг дозада референс препарат каби сийдик ҳайдаш хусусиятига эгадир.

Иммобилизацион стресс таъсирида МДА ва каталаза миқдорлари ўрганилди ва тажрибадан олинган натижаларга кўра, интакт оқ каламушларда МДА концентрацияси 4,4 мкмоль/л, ҳамда каталаза миқдори 23,8 мкат/л ташкил қилди. Иммобилизацион стресс фонида МДА 9,8 мкмоль/л гача ошганлигини, каталаза эса 13,6 мкат/л гача камайганлигини кузатилинди. Ўрганилаётган препарат ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг курук экстрактини 100 мг/кг ва 150 мг/кг дозаларда юбориш натижаларига кўра, дозаларга мос равишда МДА концентрацияси, назорат гуруҳига нисбатан 23% ва 26% га камайганлиги аниқланди. Референс препарат элеутерококк эса МДА миқдорини 30% гача камайтирганлиги кузатилинди. Тажрибаларда каталаза миқдори эса

ўрганилаётган препарат таъсирида, назорат гуруҳига нисбатан 37% ва 63% га ошганлиги кўрилди. Элеутерококк таъсирида ушбу кўрсаткич 74% гача ошганлиги кузатилган. Натижалар 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) куруқ экстрактини оқ каламушларнинг қон зардобидаги МДА ва каталазага иммобилизацияон стресс ҳолатига таъсири

Тажриба кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳлари				
	интакт	Назорат+ стресс	Стресс+Куруқ экстракт 100мг/кг	Стресс+Куруқ экстракт 150мг/кг	Стресс+ элеутерококк 200мг/кг
МДА	4,4±0,31	9,8±0,49	7,6±0,53*	7,3±0,47*	6,9±0,21*
каталаза	23,8±1,21	13,6±0,98	18,6±1,31*	22,2±1,27*	24,1±1,44*

Изоҳ: *- назорат гуруҳидан ишонарли фарқи (P<0,05)

Демак, тажрибадан олинган натижалардан кўриниб турибдики, ўрганилаётган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстракти, иммобилизацияон стрессда очик радикаллар окислениясини интенсивлигини камайтириб, организмдаги модда алмашинуви кўрсаткичлари МДА ва каталаза миқдорига, назорат гуруҳига нисбатан ижобий таъсир этиб, ўзининг адаптогенлик таъсири бўйича, тиббиётда адаптоген тартибда қўлланилиб келинаётган элеутерококк препаратидан статистик аниқликда қолишмаслигини намоён этганлигини кўриш мумкин.

Кейинги босқич серияларида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг куруқ экстракти гипоксия моделларида ўрганилди 8-жадвал.

Тажриба натижаларига кўра, назорат гуруҳи лаборатория ҳайвонларида гиперкапния билан нормобарик гипоксияда оқ сичқонларнинг ҳаёт давомийлиги 27,32 минут ташкил этади. Ер бағирловчи темиртиканни куруқ экстрактдан оқ сичқонлага 100 мг/кг ёки 150 мг/кг юбориш натижасида, уларнинг гипоксия шароитида ҳаёт давомийлиги 1,3 баробарга ошиши кузатилди. Тажрибада Трибестан препаратини юборилиши уларни гипоксия шароитида ҳаёт давомийлигини, ўрганилаётган препарат ер бағирловчи темиртиканни куруқ экстракти каби оширишини кўрсатади. Хар икки ҳолатда ҳам ўрганилаётган ва референт препаратлар, назорат гуруҳига статистик ишончлилик даражасида ошириши кузатилади.

8-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) қуруқ экстрактининг гиперкапния билан нормобарик гипоксияда оқ сичқонларнинг ҳаёт давомийлигига таъсири ($M \pm m, n = 6$)

Доза, мг/кг	Эритма хажми, мл	Ҳаёт давомийлиги гипоксия шароитида, мин	Химоя коэффициенти
Назорат гуруҳи			
		27,32 ± 1,14	
Ер бағирловчи темиртиканни қуруқ экстракти			
100	0,2	33,38 ± 1,27*	1,21
150	0,3	35,44 ± 1,18*	1,29
“Трибестан” (Sopharma А.Ж, Болгария)			
200	0,2	35,25 ± 1,37*	1,28

Изоҳ: * - назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0.05$).

Кейинги серия тажрибаларда, гемик гипоксияда ўрганилаётган ер бағирловчи темиртиканни қуруқ экстрактининг антигипоксик фаоллиги ўрганилди. (9-жадвал).

9-жадвал

Ер бағирловчи темиртикан - (*Tribulus terrestris* L.) қуруқ экстрактининг гемик гипоксиядаги сичқонларнинг ҳаёт давомийлигига таъсири ($M \pm m, n = 6$)

Доза, мг/кг	Эритма хажми, мл	Ҳаёт давомийлиги гипоксия шароитида, дақиқа	Химоя коэффициенти
Назорат гуруҳи			
		23,59 ± 1,23	
Ер бағирловчи темиртикан қуруқ экстракти			
100	0,2	28,36 ± 1,39*	1,21
150	0,3	31,34 ± 1,27*	1,34
Трибестан (Sopharma А.Ж, Болгария)			
200	0,2	30,46 ± 1,33*	1,31

Изоҳ: * - назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P < 0.05$).

Гемик гипоксия қон тизимидаги бузилишлар, яъни кислород сифими пасайиши натижасида юзага келади. Шу билан бирга, метаболлик ацидоз

ривожланди. Танада натрий нитрит таъсирида кислородни боғлай олмайдиган метгемоглобин ҳосил бўлади. Натижада қонда кислород ташилиши бузилади ва гемик гипоксия пайдо бўлади. Назорат гуруҳининг экспериментал лаборатория ҳайвонларида натрий нитрит 200 мг/кг дозада юборилгандан сўнг нафас қисилиши ва клоник-тоник тутқаноқ пайдо ва тажрибадаги ҳайвонларнинг ўлими кузатилади. Тажрибада назорат гуруҳида оқ сичқонларнинг гемик гипоксия шароитида ҳаёт давомийлиги ўртача 23,59 минутни ташкил этади. Ушбу шароитда оқ сичқонларга ер бағирловчи темиртикан - (*Tribulus terrestris* L.)ни қуруқ экстракти 100 мг/кг ёки 150 мг/ кг дозада юборилганда биринчи тутқаноқнинг бошланиш вақти ва уларнинг ҳаёт давомийлиги назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда юборилган дозаларга нисбатан мос равишда 20% ва 33% га ошганлигини кузатиш мумкин. Худди шундай шароитда, Болгариянинг Sopharma АЖ томонидан ишлаб чиқарилган трибестан препаратини 200 мг/кг дозада юбориш натижаларига кўра, 32% га тажрибадаги лаборатория ҳайвонларини ўлимдан ҳимоя қилади Шундай қилиб, гиперкапния ва гемик гипоксия билан нормобарик гипоксия шароитида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) нинг қуруқ экстракти бўйича ўтказилган тадқиқотлар гипоксия ҳолатини олдини олишга таъсир кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўтказилган ўткир заҳарлиликни оқ сичқон ва оқ каламушларда аниқлаш ҳамда скрининг тажрибалар натижасига, шунингдек экспериментал терапевтик доза самарасига кўра, Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини қуруқ экстрактини оғиз орқали юборилгандаги терапевтик дозалари 100мг/кг; 150 мг/кг ва 200 мг/кг ва улардан самарали доза қилиб 200 мг/кг деб белгиланди.

2. Ўрганилаётган препаратни 100 мг/кг ёки 150 мг/кг дозаларда юбориш натижасига кўра, тажрибадаги лаборатория ҳайвонларини силлиқ стерженда ўзини тутиб туриш вақти, дозаларга мос равишда ошганлиги ва организмнинг жисмоний куч хусусиятларига ижобий таъсир қилганлиги ва юк билан мажбурий сузиш синамасида лаборатория ҳайвонларига қуруқ экстрактни кўп маротаба (7 кун давомида) юбориш натижаларига кўра жисмоний чидамлилигини ошиши кузатилинди.

3. Ер бағирловчи темиртикан ўсимлигининг қуруқ экстракти ўрганилган дозаларда тажрибадаги лаборатория ҳайвонларининг жисмоний фаоллигини ошириб, ўзининг таъсир этиш доираси бўйича тиббиёт амалиётида кенг тартибда ишлатиб келинаётган элеутерококк препаратидан қолишмаслиги тасдиқланди.

4. Гиперкапник ва гемик гипоксия шароитида ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) нинг қуруқ экстракти бўйича ўтказилган тадқиқотлар гипоксия унинг самарали антигипоксантик таъсирга эгаллигини кўрсатди.

5. Ўрганилган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигининг қуруқ экстракти, иммобилизация стрессда эркин радикаллар оксидланиш интенсивлигини камайтириб, организмдаги модда алмашинуви

кўрсаткичлари - МДА ва каталаза фаоллигини ошириб, ўзининг адаптогенлик таъсири бўйича, элеутерококк препаратидан қолишмаслигини намоён қилди.

6. Ўзбекистонда ўсадиган ер бағирловчи темиртикан (*Tribulus terrestris* L.) ўсимлигини қуруқ экстракти аллергия чақирмайди, кумулятив ва маҳаллий таъсирчанликка эга эмас. Экспериментал терапевтик дозаларда юрак-қон томир, нерв, меъда-ичак, жигар, буйрак ва иммун тизими фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТУЛЯГАНОВ БАБИР САБИРОВИЧ

**ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЯКОРЦЕВ
СТЕЛЮЩИХСЯ (TRIBULUS TERRESTRIS L.)
ПРОИЗРАСТАЮЩИХ В УЗБЕКИСТАНЕ**

14.00.17 – Фармакология и клиническая фармакология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2020.2. PhD/Tib1210.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу: www.ziyonet.uz .

Научный руководитель:

Туляганов Рустам Турсунович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Пулатова Наргиза Ихсановна
доктор медицинских наук, доцент

Аминов Салохиддин Джураевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

**Институт химии растительных веществ
им.акад. С.Ю.Юнусова АН РУз**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2023 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий 2, Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс:(+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (регистрационный номер ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий 2, Ташкентская медицинская академия. Тел./Факс:(+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 года.

(Реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023 года).

А.Г. Гадаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

